

**Жамиятнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва кооперациясини  
ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан 2021 йил биринчи чорак бўйича  
ХИСОБОТ**

31.03.2021 йил ҳолатига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарорининг 6-банди талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги №03/19-сонли хат-талабномасига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган ва жамият бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий қилинди ва жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Жамиятда 2021 йил биринчи чорак давомида импорт ва экспорт шартномалари (уларга қўшимча шартномалар) тузилмаган.

Жамиятда харидлар жараёни шаффофлиги ва асослилигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги” ЎРҚ-472 сонли Қонунига асосан шартномалар тузилиши давлат харидлари махсус ахборот портали **xarid.uz**, **uzex.uz** ва **cooperation.uz** портали ёрдамида амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Давлат харидлари махсус ахборот порталида **e-xarid** майдонида жамият товар айланмаси 2021 йил биринчи чорак давомида 1 963.55 млн.сўмни ва **e-shop** майдонида товар айланмаси 193.43 млн.сўмни ташкил қилган. (*Маълумотлар 4-иловада тақдим қилинган*). Тузилган шартномалар 80 та бўлиб, 2 156.97 млн.сўмни ташкил қилган. Жамиятда харидларни амалга ошириш учун танлов ва тендерларни ўтказиш учун доимий комиссия тузилган. Ташкиллаштирилган танловлар 8 та бўлиб, **823.54 млн сўмлик** шартнома тузилган.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси орқали **uzex.uz** савдо майдонида хом-ашёларни ва ТМБ сотиб олиш, жумладан буғдой, карбамид, цемент маҳсулотлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан билан ҳамда тайёр маҳсулотларни, жумладан суюқ барда маҳсулотини сотиш бўйича 1 656.42 млн.сўмлик шартномалар тузилди.

Харидлар жараёни шаффофлиги ва асослиги, шу жумладан маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда харидлар амалга оширилади.

Жамият Тармоқлар ҳамда ҳудудлар таркибига кирувчи фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини Электрон кооперация порталига қамраб олиш мақсадида ташкил қилинган **cooperation.uz** дан рўйхатдан ўтказилган.

Тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш бўйича чоралар ва корпоратив харидлар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириляпти.

Электрон кооперация портали **cooperation.uz** да 2021 йил биринчи чорак давомида 127.07 млн.сўмлик товарлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинди. Бундай товарлардан эмаль бўёқлар, бутловчи буюмлар, подшипник, асосий восита бўлган-лифт ва ишлаб чиқариш жараёни учун техник тузи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган “**Сизими 2 000 тн буғдойни сақлаш силослари**” ва “**БРУ линиясининг эҳтиёт қисмлари**”ни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан (техник кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва муддатлари бўйича) харид қилиш имкони йўқлиги, усқунанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан кам бўлган импорт товар ҳисобланиши инобатга олинган ва усқунанинг корпоратив харидларини импорт

орқали амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги кузатув кенгашининг йиғилишида маъқулланган.

Ушбу сиғимлар ва ёрдамчи материаллар жамиятнинг ўз маблағларига сотиб олиниши мўлжалланган. Сиғимларни сотиб олиш бўйича танловлар ташкиллаштирилган.

Жамиятда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий таъминотларни жорий қилиш мақсадида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси билан ҳамкорликда кузатиш тизимини ўз ичига олувчи истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий этиш лойиҳалари амалга ошириляпти.

Амалдаги 1С-Корхона дастурини янада мукамал қилиш ва янги версияларини ўрнатиш бўйича “FIDES PROJECTS” фирмаси билан шартнома тузилган.

**Жамият бошқаруви раисининг махаллийлаштириш,  
кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот  
технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ш.Мирзаев**